

**ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ТОМОНИДАН СОДИР  
ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ  
ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ**

**Шодмонов Убайдуллохон Тўрахўжаевич**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси ва криминологияси кафедраси  
катта ўқитувчиси, подполковник

**Аннотация.** Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг илгари судланган шахслар билан амалга ошириладиган профилактик чора тадбирлари. Профилактика инспекторларининг илгари судланган шахслар билан ишларини юритишидаги фаолиятини тартибга солувчи қонун ва қонун ости норматив-хуқуқий хужжатлари, уларнинг мазмуни, моҳияти ва амалга ошириш тартиблари. Профилактика инспекторларининг маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида профилактик ишларни олиб боришда илгари судланган шахслар билан ишлаш фаолиятининг асосий йўналишлари, мавжуд муаммо, камчиликлар бошқа давлатлар олимларининг фикрлари ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

**Таянч тушунчалар:** маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани, профилактика инспектори, илгари судланган шахс, илгари судланган шахс тоифалари, профилактиканинг чора-тадбирлари, маъмурий жавобгарлик, жиноий жавобгарлик, маъмурий назорат.

Маълумки, ҳар бир ҳуқуқий фаолият, муносабат ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солинади. Ҳуқуқ назариясида эса, ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуқий воситалар ёрдамида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, қўриқлаш, уларни жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжига мувофиқ равишда ривожлантириш мақсадида мунтазам, норматив таъсир этиш жараёни тушунилади. Ҳуқуқий тартибга солиш ижтимоий муносабат субъектларининг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб, уларнинг бажарилишини таъминлайди. Бир қатор олимлар жамиятда жиноятга қарши курашиш, унинг олдини олишнинг ҳуқуқий тартибга солинишини қўйидаги икки йўналишда олиб борилишини таъкидлашади<sup>1</sup>:

*Биринчи йўналиш* – бу ҳуқуқ нормалари ёрдамида жиноятнинг сабаб ва шароитларига, жиноятларнинг содир қилинишига имкон берувчи жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги салбий воқеа, ҳодиса ва жараёнларга

<sup>1</sup> Абдурасурова Қ.Р.. Аёллар ўртасида жиноятнингнинг сабаб ва шароитлари ҳамда профилактикаси . Ўқув қўлланма. – Т. – 2016.- Б.94.

таъсир қилиши орқали уларни кучсизлантириш, бартараф этиш ва унга қарши курашиш учун шароитлар яратиш;

*Иккинчи йўналиши* – жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш тартибини ўрнатиш ҳамда аниқ профилактик чора-тадбирларни амалга оширишни хуқуқий тартибга солишидир.

Таъкидлаш лозимки, айрим тоифадаги шахслар ўртасида ҳам жиноятларни олдини олиш фаолиятини юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда алоҳида йўналишларга ажратиб олиш мумкин.

Жумладан, илгари судланган шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини ҳам хуқуқий жиҳатдан куйидаги учта йўналишга ажратиб олиш мақсадга мувофиқ:

*Биринчи йўналиши*, тарбиявий профилактик ишлар - бунда илгари судланган шахсни тўғри йўлга йўналтириш мақсадида амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирларни ўз ичига олади, масалан илгари судланган шахсни профилактик ҳисобга олиш, профилактика сухбатини амалга ошириш, маҳаллада муҳокма қилиш ва мураббий бириктириш ва бошқалар.

*Иккинчи йўналиши*, ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини ташкил этиш – мазкур йўналишда илгари судланган шахсни ишга ва ўқишига жойлашишда кўмаклашиш, касбга йўналтириш, бир марталик ёрдам олишга кўмак бериш, доимий ёки вақтинчалик яшаш жойи билан таъминлаш, ижтимоий мослашув марказига жойлаштириш в бошқалар;

*Учинчи йўналиши*, илгари судланган шахснинг ғарийхуқуқий ҳаракатлар содир этиши оқибатларига нисбатан қўлланиладиган чоралар, масалан маъмурий назоратга олиш, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш ва бошқалар.

Таъкидлаш лозимки, илгари судланган шахслар ўртасида жиноятнинг профилактикаси фаолиятини ташкил этиш ҳусусиятларини қўйидаги йўналишларда ташкил этиш мумкин:

Илгари судланган шахс томонидан жиноятлар содир этилишининг олдини олиш фаолиятини ташкил этишнинг умумий ҳусусиятлари деганда – жиноятлар профилактикасининг жиноятчиликнинг олдини олишни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг жиноятни олдини олиш, ушбу йўналишдаги жиноятларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берайтган шарт – шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолиятидир.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май кунидаги “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”<sup>2</sup>ги Конунининг 6-моддасида хукуқбузарликлар профилактикасининг 4 та тури кўрсатилган бўлиб, буларга:

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май кунидаги “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги Конун: <https://lex.uz/docs/2387357>

- хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси – хуқуқбузарликлар-нинг олдини олиш, хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолият;

- хуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси – айрим турдаги хуқуқбузарликлар профилактиkasига, бу турдаги хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган маҳсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолият;

- хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси – ғайриижтимоий хулқ-авторли, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолият;

- хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси – муайян шахснинг хуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолият<sup>3</sup>.

Энди биз бевосита профилактика хизматларининг илгари судланган шахслар ўртасида жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишни хуқуқий тартибга солувчи хуқуқий асосларнинг турларини таҳлил этишга ҳаракат қиласиз.

Айтиш жоизки, ҳар бир фаолиятнинг хуқуқий тартибга солинганлиги, биринчидан, уни ташкил этиш тартибини мустаҳкамласа, иккинчидан, ҳамкорлик бўйича субъектлар фаолиятининг асосий вазифаларини белгилаб, уларнинг масъулиятини оширишга ҳамда ҳамкорлигини самарали ташкил этишга хизмат қиласи. Бугунги қунда профилактика хизматларининг илгари судланган шахслар ўртасидаги жиноятга қарши кураш ва унинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишни белгилаб берувчи ягона хуқуқий асос мавжуд эмас. Бироқ профилактика хизматларининг илгари судланган шахслар ўртасидаги жиноятга қарши кураш ва унинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишни белгилаб берувчи алоҳида хуқуқий асослар яратилган бўлиб, уларни бир нечта гурухларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ<sup>4</sup>.

*Биринчи гуруҳ* хуқуқий асосларга конституциявий нормаларни киритиш мумкин. Жумладан, Конституциянинг нормалари демократик жамиятдаги барча муносабатларни ижтимоий адолат ва инсонпарварлик принципларига асосланган

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 25 августдаги 191-сон бўйруғи (Ички ишлар органлари томонидан хуқуқбузарликлар профилактиkasини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида)

<sup>4</sup> Абдурасурова Қ.Р. Аёллар ўртасида жиноятнингнинг сабаб ва шароитлари ҳамда профилактикаси . Ўқув қўлланма. Т.2016.Б.96.

ҳолда тартибга солишининг бирламчи асосий манбаи сифатида хизмат қилиши билан ҳар қандай ҳуқуққа хилоф қилмишининг олдини олишни таъминлайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор қоидалари бевосита жиноятларнинг олдини олиш хусусиятига эга бўлиб, фуқароларни ҳар хил турдаги жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишда ва уларни жамиятдаги умуминсоний, ахлоқий нормалар асосида тарбиялашда манба ҳисобланади. Мазкур нормалар профилактика хизматларининг илгари судланган шахслар ўртасидаги жиноятга қарши кураш ва унинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишни тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти таҳлилини белгилаб беради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддасида: «қонунийлик ва ҳуқуқ – тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин»<sup>5</sup>, деган қоида белгиланган бўлиб, мазкур норма профилактика хизматларининг илгари судланган шахслар ўртасидаги жиноятга қарши кураш ва унинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишни тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти таҳлилини белгилаб беради.

*Иккинчи гурӯҳ ҳуқуқий асосларга Ўзбекистон Республикасининг қонунларини келтириш мумкин. Профилактика хизматларининг илгари судланган шахслар ўртасидаги жиноятга қарши кураш ва унинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишни тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти таҳлилига доир аниқ бир қонун ёки қонуности ҳужжат бўлмасада, айрим қонунларда илгари судланган шахслар ўртасидаги жиноятга қарши кураш ва унинг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш йўналишини белгилаб берувчи нормалар мавжуд.*

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддасида келтирилган шахсни, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсон хавфсизлигини жиноий тажовузлардан муҳофаза этиш, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни Республика конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш тўғрисидаги асосий вазифалари профилактика хизматларининг илгари судланган шахслар ўртасидаги жиноятга қарши кураш ва унинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишни тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти таҳлилида муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Кодекснинг маҳсус қисмидаги барча нормалар жиноятга қарши курашиш ва уларнинг олдини олишга қаратилгандир<sup>6</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят–процессуал Кодексининг 2-моддасида унинг вазифалари келтирилган бўлиб, мазкур Кодексининг асосий вазифаларидан бири жиноятларнинг олдини олиш ҳисобланади. Унинг бир қатор нормалари

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: <https://lex.uz/docs/35869>

<sup>6</sup> Муаллифлар жамоаси. Криминология. – Дарслик. - Т.- 2014. - Б.145

бевосита профилактика хизматларининг илгари судланган шахслар ўртасидаги жиноятга қарши кураш ва унинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишни тартибга соловчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти таҳлилини белгилаб беради. Жумладан, 296-моддада жиноят ишларини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берайтган шарт – шароитларни аниқлаши шарт эканлиги, 297-моддада жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берайтган шарт – шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномаси асос бўлиши, 299-моддада тақдимнома ва хусусий ажримларни бажариш мажбуриятлари, 300-моддада фуқаронинг ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисидаги тақдимнома ва хусусий ажрим тўғрисидаги қоидалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги 2000 йил 15 декабрь кунидаги қонун<sup>7</sup>и профилактика хизматларининг терроризмга қарши курашиш, хусусан унинг олдини олиш бўйича фаолиятини тартибга соловчи манба бўлиб ҳисобланади. Қонуннинг 5-моддасида террорчилик фаолиятининг олдини олиш давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан сиёсий, ижтимоий – иқтисодий, ҳукуқий ва бошқа профилактик чоралар мажмуини қўллаш орқали амалга оширади, деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги 2008 йил 17 апрель кунидаги қонуннинг 7-моддасида ички ишлар органлари, жумладан, профилактика хизматларининг илгари судланган шахслар ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишни тартибга соловчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти таҳлили натижасида одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гурухлар ва жиноий уюшмаларнинг фаолиятига чек қўйиш, оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда аҳоли ўртасида кенг микёсда огоҳлантириш – профилактик ишларни ўтказишга доир ваколатлари мустаҳкамланган. Унинг 8-моддасига асосан давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда жамоат бирлашмалари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар одам савдосига қарши кураш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашади. Ушбу нормалар профилактика хизматларининг илгари судланган шахслар ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш ва унинг

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги 2000 йил 15 декабрь кунидаги қонун <https://lex.uz/docs/29526>

олдини олиш фаолиятини ташкил этишни тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти таҳлилини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 407-сонли қонун<sup>8</sup>ининг қабул қилиниши ички ишлар органлари, шу жумладан профилактика инспектори илгари судланган шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жараёнини янги босқичга олиб чиқди. Мазкур қонунда профилактика инспектори илгари судланган шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг асосий йўналишлари ва ташкилий жиҳатларига доир масалалар бирдек ҳуқуқий тартибга солинган. Бинобарин, Қонунда ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолиятининг асосий йўналишлари ва асосий принциплари, ички ишлар органларининг тизими ва ҳуқуқий мақоми, ички ишлар органлари томонидан айrim мажбуров чораларининг қўлланиши, жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш, ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ва шартлари, ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш каби масалалар ҳуқуқий тартибга солинган<sup>9</sup>.

Қонуннинг 2-моддасида Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат этиб кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айrim тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сон қонун<sup>10</sup>ига кўра эса, ўта оғир жиноят содир этганларга энди бу тартиб қўлланилмайди (8-модда), суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган шахсларга нисбатан – уларни озод этишдан камида бир ой олдин жазони ижро этиш муассасасининг бошлиғи томонидан тақдимнома киритиш орқали ўрнатилади. Ушбу қонуннинг 4-моддасида адолатпарварлик, инсонпарварлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш ва уларни хурмат қилиш принципларининг уступорлигини кўриш мумкин.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 407-сонли қонун: <https://lex.uz/docs/21.04.2021>

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни // URL:<http://www.lex.uz>.

<sup>10</sup> 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айrim тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сон қонун <https://lex.uz/docs/4266602>

Қолаверса, олиб борилган ислоҳотлар асосида амалдаги қонунчиликнинг такомиллашуви натижасида унда:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг ЖКГа биноан оғир ёки ўта оғир жиноят хисобланадиган қилинчларни содир этганлик учун бошқа давлат ҳудудида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган шахслар автомат равишда маъмурий назорат обьектига айланиши;
- 2) “алкоголли ичимликларни истеъмол қилишни тақиқлаш”ни маъмурий чекловлар рўйхатига киритилиши;
- 3) назорат остидаги шахснинг хуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органларининг хуқуқлари ва мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилди<sup>11</sup>.

*Учинчи гурӯҳ* хуқуқий асослар сифатида жиноятнинг олдини олишга хизмат қиласидиган қонунларнинг ижросини таъминлаш, бу соҳада фаолият олиб борувчи хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан профилактик хизматларининг илгари судланган шахслар ўртасидаги жиноятга қарши кураш ва унинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишни тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти таҳлилини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган норматив – хуқуқий хужжатларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ5005-сон Фармони асосида бугун жиноятлар профилактикасини амалга ошираётган профилактика хизматлари тизими ташкил этилган бўлиб, ушбу фармонда жамиятда жиноятчиликка қарши кураш, жиноят ва жиноятларнинг ҳар қандай кўринишлари, давлат, жамият, халқ учун хавф туғдирадиган зўравонликларнинг олдини олиш, фош этишда ички ишлар идораларининг аҳоли билан ҳамкорлигини яхшилаш, шунингдек ички ишлар органлари фаолият самарадорлигини ошириш, профилактика инспекторининг жамоатчилик тузилмаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик билан фаолиятини яхшилашда бевосита иштирок этиши ва амалий ҳамкорлик қилиши белгиланган<sup>12</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу Фармонида мамлакатимизда ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг функционал – ташкилий тузилишини яхшилаш, мамлакатда жамоат хавфсизлиги ва хуқуқ – тартиботини таъминлаш борасидаги профилактик ишлар самарадорлигини оширишга имкон берганини, бироқ ижтимоий – иқтисодий, сиёсий, суд – хуқуқ соҳаларида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг чуқурлашуви, шунингдек, мамлакатдаги ижтимоий – сиёсий барқарорликни,

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сон қонуни // URL: <https://www.lex.uz/ru/docs/4266604?otherlang=3> (мурожаат вақти: 06.05.2021).

<sup>12</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида..ҳавсизика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари... Т.1997. Б. 150.

жамоат тартиби ва хавфсизлигига таҳдид солишга қаратилган диний экстремизм ва наркотиклар тажовузининг ўсиши ички ишлар органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб этгани таъкидланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрь кунидаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепциясида Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида жиноят содир этишга мойил, маъмурий ва пробация назоратига олинган ҳамда ёт бўлган ғоялар таъсирига тушиб адашган шахсларнинг ижтимоийлашуви, шу жумладан уларни касб-хунарга ўқитиш ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали ушбу тоифадаги фуқаролар томонидан қайта жиноят содир этилишига йўл қўймасликдан иборат<sup>13</sup> эканлиги белгилаб берилган.

Юқорида билдириб ўтилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб ички ишлар органларининг илгари судланган шахслар билан амалга оширадиган профилактика ишлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш чоралари кўрилишининг аҳамияти қўйидагиларда намоён бўлишини қўришимиз мумкин:

*биринчидан*, жамиятдаги ижтимоий хавфи юқори бўлган оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилишини олдини олиш орқали фуқароларнинг хукуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлаш;

*иккинчидан*, Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлигини таъминлаш орқали ижтимоий адолатни ўрнатиш;

*учинчидан*, қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик, инсонпарварлик принципларини фаолиятда намоён бўлиши;

*тўртинчидан*, ўзбек халқида оиланинг беназир нуфузи, улкан ижтимоий аҳамиятга молик воқелик эканлиги ҳеч кимда шубҳа тугдирмайди, чунки, оила жамиятнинг асосий ҳужайраси ва ижтимоий таянчидир, демак, илгари судланган шахсларнинг ҳам оиласи борлиги, уларнинг ҳам бир оила бошлиғи ёки аъзоси эканлигидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, назорат самарадорлиги жамият аъзоларини, айниқса, шу оилада ўсиб келаётган ёш авлодни келгусида фойдали иносн бўлиб этишида рол ўйнайди;

*бешинчидан*, илгари судланган шахслар томонидан хукуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиши, у яшаб турган маҳалланинг тинчлигини таъминлайди ва у ерда истиқомат қилаётган фуқароларнинг давлат органлари, шу

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрь кунидаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони

жумладан ички ишлар органлариға бўлган ишончини ошириб, жамият равнақи ва ривожида эркин меҳнат қилишларига имкон беради.

Шу билан бир қаторда илгари судланган шахслар билан профилактика ишларни такомиллаштириш ички ишлар органларининг бу йўналишдаги амалий фаолиятини ҳам тубдан ислоҳ қилишни тақазо этади, хусусан, бу йўналишдаги мавжуд муаммолар ечимини топиш орқали маъмурий назорат остидаги шахслар томонидан содир этиладиган рецидив жиноятчиликнинг барқарорлашини таъминлайди.

Бу борада Rossiyaлик олим Д.Н. Сергеев: “Ички ишлар органларининг назорати остидаги илгари судланган шахслар билан профилактик ишларни ташкил этиш фаолияти рецидив жиноятчиликнинг бошланғич даврида олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бу *биринчидан*, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазоларни ўтаб келган шахслар ўртасида амалга ошириладиган ҳуқуқий чора, *иккинчидан*, давлат томонидан берилган ваколат доирасида ички ишлар органларининг суд томонидан айрим тоифадаги илгари судланган шахслар устидан ўрнатилган маъмурий назоратни амалга ошириш фаолиятидир”, - таъкидлаб ўтган<sup>14</sup>.

Бизнингча жазони ўтаб келганидан кейин қонунчилигимизда белгиланган тартибда профилактика инспекторлари томонидан маҳалла ҳуқуқ тартибот масканларида профилактик хисобга олинади ва айнан профилактика инспекторлари томонидан ва маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда профилактик чора тадбирлар олиб борилади. Бу *биринчидан*, илгари судланганларни якка тартибдаги тарбиявий ишларни олиб борилишига ундаиди, *иккинчидан*, мунтазам унга келгусида ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриқонуний ҳаракатлардан сақлашга ундаиди. Профилактик ишлари ҳамкорликда бевосита амалга оширувчилар ва унда иштирок этувчилар томонидан олиб борилиши таъминланади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бизнинг фикримизга кўра, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни профилактика қилиш институтини такомиллаштиришнинг бугунги босқичида жазони ижро этиш муассасалари ва шаҳар-туман ички ишлар органлари фаолиятидаги бир қатор муаммо ва камчиликларни бартараф этишни ҳам тақазо этади.

<sup>14</sup> Сергеев Д.Н. Правовая природа постпенитенциарного административного надзора // Актуальные проблемы российского права. – 2014. – № 8. – С. 1709–1710.